

**ЎҚУВЧИЛАРНИ РУҲИЙ-АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА
ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ АҲАМИЯТИ**

Каримов Хамидбек Отаханович,
Урганч давлат университети Тасвирий санъат ва
муҳандислик графикаси кафедраси катта ўқитувчиси

Панаева Малоҳат Мўминовна
Урганч давлат университети Тасвирий санъат ва
муҳандислик графикаси кафедраси ўқитувчиси

Аннотация:

Ушбу мақолада бошланғич синфларда мусиқа ва тасвирий санъат дарсини яхши ташкил этилиши ўқувчиларга табиатга муносабат, билим олишга қизиқиш, табиат ва атроф-муҳит манзараларини тасаввур этиш ва тасвирлаш, ўқув жараёнида қўйилган талабларга амал қилиш, шунингдек, ўқувчиларни психологик сифатларини шакллантиришда тасвирий санъат машғулотларининг ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: эстетика, узлуксиз таълим, малака, ижодий қобилият, касб маҳорати, психологик жараён, манзара, кўرғазмалилик.

Бугунги кунда Президентимиз томонидан маънавиятга ва китобхонликка бўлган эътибор - барча халқимиз қатори ота-она ва ўқитувчи-мураббийларга кўтаринки кайфият ўйғотиши баробарида алоҳида касбий масъулият ҳам юклайди. Таъкидлаш жоизки, ўқитувчи-мураббийнинг касбий ўз-ўзини англаши мазмунида соғлом бола тарбияси туради.

Болани руҳан тетик, ахлоқан пок бўлиб камол топиши, кўп жиҳатдан ўқитувчи шахсининг ўз касбига бўлган муносабатидан, яъни касб бурчи ҳамда масъулиятини англаб иш юритишдан келиб чиқади. Ота-оналар жондан азиз фарзандини ишониб, ўқитувчи-мураббий кўлига берар экан, келгусида ўқимишли, доно инсон бўлиб, Ватан равнақи йўлида хизмат қилувчи комил шахс бўлиб улғайишини орзу қилишади.

Бу ўринда Президентимизнинг “...Ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир”, деган пур-маъно фикрлари соҳа мутахассислари ҳамда ота-оналар учун ҳаётий ғоя вазифасини ўтайди. Бола шу вақтда руҳан, ахлоқан, соғлом ва етук бўладиги, тарбия ишида “Мақтаб ва оила”, “Оила ва мактаб” ўзаро изчил равишда иш олиб бориб, бола тақдирига масъулият билан қараса, ўз ўрнида яна “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она”, деган ҳикматли нақлни унутмаслик керак. Мухтасар қилиб айтганда, соғлом бола тарбиясида “Оила-мактаб-маҳалла” ҳамкорлиги ўзининг истиқболли режаси асосида фаолият олиб бориши талаб этилади.

Шунга мувофиқ соғлом бола тарбиясининг руҳий-ахлоқий омилларини қамрови кенг бўлиб, ўз ичига фанлар йўналишлари бўйича эгалланиши лозим бўлган билим ва

кўникмалар, миллий ва умуминсоний тарбия турлари, болани қобилиятига кўра бирон касб-хунарга йўналтиришдан ташқари (ёки шу билан биргаликда) ирсий омиллар, муҳит ҳамда фаолиятнинг таъсирини ҳам назарда тутиш лозим бўлади.

Олиб борилаётган тадқиқий кузатувларга кўра болани мусиқа тинглаш орқали турли табиат манзараларини чизиш, фаслларга хос хусусиятларни манзара мазмунига сингдириш ва шу пайтда инсон руҳиятини кўтарадиган рангларни танлаш масаласига эътиборни қаратдик.

Биз учун яратилган бирор бир тасвирий санъат асарида шахснинг соғлом руҳияти ва соғлом хулқ-атвори нафақат соҳа мутахассиси, балки тасвирланган манзарага кўз югуртирган ҳар қандай инсон илғаб олиши мумкин бўлган “Тирик жараён” акс этмоғи лозим. Бу жараённи дастлабки тасаввур дейдиган бўлсак, галдаги вазифа “Ёш ижодкорлар” тўрагининг аъзоси, мактаб ўқувчисининг руҳий-ахлоқий кечинмаларига оид манзара (кичик асар) келган бўлса, унга бериладиган баҳо қандай омилларга асосланади, деган табиий саволга жавоб бериш лозим.

Ушбу масалага педагогик нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, касбий ва ташкилий таёргарликнинг сифати тўртта муҳим омил билан боғлиқлигини кўраимиз.

1. Ўқувчида аввал ҳис этиб, сўнг фикрлашнинг образли тафаккур билан боғлиқлиги.
2. Ўзлаштирган билимларнинг кўникма ва малака даражасида ифодаланиши.
3. Объектни тўғри танлай билиш.
4. Ижодий фаоллик ва иш самарадорлигига эришиш.

Кўриб ўтилган омилларнинг натижасини ўқувчи мусиқа тинглаш орқали бажаришга киришади, яъни кичик эксперимент асносида турли рангтасвир асарларининг инсон руҳиятига ва хулқ-атвори таъсири аниқланади. Олинган натижа ўқувчи томонидан бажарилган мустақил иш, яъни санъат асари кўринишида ифодаланиб, бу ўринда ўқувчининг у ёки бу рангга нисбатан ҳиссий муносабати юзага чиқади. Бажарилган ишга қараб, боланинг қайси рангни ёқтириши, қайси рангни ёқтирмаслиги бўйича руҳий ташхис қўйиш мумкин. Албатта кўриш ва эшитиш анализаторининг ўзаро муносабати, яъни бу ўринда иш бажарувчини ўзи ёқтирган мусиқасидан илҳомланиб, ўзи яхши кўрган рангни танлаш ҳамда шунга мувофиқ равишда янги асарни вужудга келиши, уни чиза олиш маҳорати, айти пайтда боланинг шўнғиб кета олиш, лозим жойларда ўзини унутиши каби руҳий кечинмалар ўқувчининг барқарор ҳис-туйғусини ифодалайди.

Ўқувчи мумтоз кўшиқ тинглаш орқали залворли, боқий, киши қараганда хаёлга чўмадиган, ўйланиб қоладиган ва диққатини узоқ бир нуқтага қаратиб турадиган асарни яратса, билингки ўқувчининг ҳис-туйғуси ўзи яратган асарга ўзининг муносабатини янада яқинлаштиради.

Ранг масаласига келинса, барқарор, ҳиссиётли, босиқ (флегматик темпераментидаги) ўқувчилар кўк ва яшил рангларни кўпроқ ишлатганликларини кўраимиз. Бу рангларга мўл-кўл булутсимон (оқроқ ва паға-паға) ранглар билан жило берилиши томоша қилган, кузатган одамнинг кайфиятини кўтариши маълум бўлди. Масалан: “Баҳор”, “Менинг қишлоғим”, “Тоғ манзараси” асарлари. Кулранг ва қорамтир ранглар киши кайфиятига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Масалан: “Ёмғирдан сўнг”, “Оқшом” асарлари.

Амалий машғулотларимиз ҳамда тадқиқот ишига оид тажриба-синов ишларимиз шуни кўрсатдики, асосий ранглар орасида кўк ранг инсонга вазминлик, қаноатланганлик, руҳий тетиклик кайфиятини уйғотиши; кўк-яшил ранг ўз-ўзига, ўзининг фаолиятига ишонч ҳамда бир мунча мағрурлик ҳис-туйғусини пайдо бўлишига; зарғалдоқ-қизғишроқ ранг ирода кучи, тезлик ва қизиққонликни кўзғатиши; ёрқин сариқ ранг эса ижтимоий фаоллик, хушчақчақлик ҳамда эътиборлиликни юзага чиқариши аниқланди.

Кўриб ўтилган рангларга илова тариқасида қора ранг, кулранг, жигарранг, сафсар ранглар инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатиб, бирмунча ғамгинлик, тушқунлик кайфиятини пайдо қилиши маълум бўлди. Шунга кўра ўқувчи устози бошчилигида қандай объектни танламоқчи, нимани ўрганмоқчи ва шунга кўра ўта нозик ҳис-туйғулар оғушида нимани ёритмоқчи эканлиги олдиндан мақсадли режалаштирилади. Албатта бу ўринда ўқувчи томонидан пухта ўзлаштирилган назарий билимлар асосидаги амалий тажриба, ижодий ёндашув, ўз фаолиятига танқидий ҳамда таҳлилий баҳо бера олиш руҳий-ахлоқий омил мезонини белгилайди. Шунга мувофиқ субъектнинг ички ҳиссий кечинмалари, унинг ўй ва фантазияси, интилиши, тасавури, иродаси, характери ҳамда қобилияти ва айни пайтда бошқа шахсларни ўз ўрнига қўйиб кўра билиши аҳамиятли. Билъакс, субъектнинг ўзидаги тасаввурнинг торлиги санъат асарининг нозик жиҳатларини илғаб ололмастлигига олиб келиши мумкин.

Ўқувчи ўз фаолиятига ижодий ёндашиш орқали, айтайлик, мумтоз куйни эшитиш, унинг мазмунини англаш, ритмик хусусиятларини хотирада олиб қолиш ва энг муҳими, ундан завқ олишини ишлаётган асарига кўчириши интигратив таълим моҳиятини, яъни гўзалликка интилиш туйғусини уйғотувчи, бир-бирига яқин мусиқа билан тасвирий санъатни ва шунга мос инсон руҳиятини бир нуқтада учраштириш орқали янги бир асарнинг туғилиши мумкинлиги, ижодий маҳоратнинг туб моҳиятини белгилайди. Ўқувчини мусиқа асарини тинглаши ҳамда тас уни ҳис-туйғулари асосида идрок этиши, айни пайтда шахсни мусиқа маданиятига бўлган муносабатини ҳам белгилайди. Бу жараён яхлит ҳолда кишида миллий тарбиямизга хос руҳий-ахлоқий туйғу уйғотади.

Адабиётлар рўйхати

1. Н.Орипов. Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси. “Илм-Зиё”. Тошкент. 2012й.
2. Н.Ойдинов. Рассом ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. “Ўқитувчи”. Тошкент. 1997й.
3. Р.Ҳасанов. Мактабда тасвирий санъат ўқитиш методикаси. Тошкент. 2004й.